




ШАҲАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЁСIIY  
ГАЗЕТАСИ

# ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 148 (9.492) 2000 йил 18 декабрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

## ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Саноқли кунлардан кейин инсоният янги минг йилликка қадам қўяди. Бугун янги аср бўсағасида туриб, беихтиёр ўзимизга ўзимиз шундай саволлар берамиз: тугаётган аср қандай кечди ва янги аср қандай бўлади? Ҳақиқатан ҳам XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мустақилликка эришган Ўзбекистон давлати учун бу саволлар шунчаки рамзий маънога эга бўлмади, балки янги-янги амалий ҳаракатларга ўндоғич даъват ҳамдир. Бугун биз босиб ўтган йўлимизни чуқур мушоахада қилиб, янги асрдаги истиқболимизнинг оқилона стратегиясини белгилаб олишимиз ўта муҳимдир.

XX аср мезоғига юз тутмоқда. Бу юз йиллик инсон ақл-заковати ва салоҳиятини, илму фан, техника ва маданиятини буюк тараққиёти баробарида аянчилик воқеалар даври ҳам бўлди. Бир эмас, икки жаҳон уруши, фашизм, ядро ҳавфи, оммавий сиёсий қатгонлар, диний экстремизм ва халқаро терроризм сингари мудҳиш ҳодисалар айнаи XX асрда пайдо бўлди. Лекин тугаб бораётган асрнинг энг муҳим интихоси — «совуқ уруш» даври барҳам топди. Ўзбекистон деб аталмиш Ватанимиз сингари қатор мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши шарофати билан бутун дунё қиёфаси ўзгарди.

Бундан олти юз йил муқаддам буюк соҳибқирон Амир Темуру она заминимизда қудратли давлатга асос солиди, унда фан, маданият юксак чўққиларга кўтарилди, миллий давлатчиликнинг янги тамойиллари қарор топди. Бу давр Ватанимиз учун туб маънодаги янги ўйғониш даври бўлди. Орадан олти юз йил ўтган, беҳад тарихий синовларга дош берган, мустақилликнинг, тоталитар тузум азоб-ўқубатларини бошидан кечирган халқимиз XX аср хотимасида чинакам эркинликка эришди, ўз миллий ва маданий қадриятларини тиклади, мустақил тараққиёт йўлига юз тутди. Мустақилликка эришганимиз босиб мамлакатимизнинг янги тарихи бошланди.

Бугун эрр гуруру ва қоникчи билан айта оламизки, қисқа тарихий давр ичида Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлиги остида мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти асослари яратилди, миллий истиқлол мафқураси шакллана бошлади. Энг муҳими, фуқароларимизнинг онги ва дунёқараши ўзгариб бормоқда. Хамюртларимиз мустақил тузум асоратларидан воз кечиб, ҳаётдаги ўз ўринларига янги назар билан қарамоқдалар. Фуқароларимизнинг фаоллиги, турмушимизни қайта қуриш ва янгилаш заруриятига, уларнинг ўз юрти истиқболига бўлган ишончи ортб бормоқда. Кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар амалётида «Ўзбекистон модели» деб ном олган жамият тараққиётининг янги модели пайдо бўлди. Унда инсон туғрисида, айниқса улғайиб келаётган ёш авлод ҳақида гамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эътироф этилган. Эндиликда Ўзбекистон бутун олам учун ўз дарвозаларини очди. Ватанимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг мустақам ўрнини топди, жаҳон сиёсатида обрў-эътибор қозонди. Ҳозир Ўзбекистон олдига замонавий демократик давлатни барпо этиш ва халқаро ҳамжамиятга янада фаол уйғунашидек беқийс вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иккинчи қақриқ Олий Мақлисининг биринчи сессиясида илғари сурган мамлакатни янада ривожлантиришнинг стратегик дастурига

мувофиқ биз ички ва ташқи сиёсат, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги ислохотларга янги илҳом бахш этишимиз зарур бўлади. Ана шу кўламдор вазифаларни рўёбга чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлиси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ишончи ва муқамал ҳуқуқий асосини яратмоғи зарур бўлади.

Азиз ватандошлар!

Биз, парламент аъзолари, қомил ишонч билан айтмаизки, янги аср халқимиз учун катта тарихий галабар асри бўлади. Шу муносабат билан сизларни жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётини ислох қилишда бундан буён ҳам фаол иштирок этишга чақирамиз. Давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш, Ўзбекистон Республикаси халқининг гуллаб-яшнаши учун қонунчилик жараёнини муттасил ривожлантириб бориш, парламентимиз — Олий Мақлис фаолиятини такомиллаштириш зарур эканлиги шак-шубҳасиз. Қабул қилинган қонунларнинг амалга ошириш механизми тўла куч билан ишлашига, Конституциянинг нормалари жамият ва давлат фаолиятининг ҳақиқий асосини яратиб бериши ўта муҳим вазифамиздир.

Мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий ҳаётини эркинлаштириш бўйича бошланган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун энг аввало Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашимиз зарур. Ҳозирги кунда хавфсизлик масалалари яқин бир тушунча бўлиб, барча мамлакатлар учун ҳам бирдек долзарб муаммо эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Тинчлик, барқарорлик ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш, унга барҳам бериш борасидаги ҳаракатларимиз Марказий Осиё мамлакатларининг салоҳиятини уйғунаштириш ва бириштириш, ўзаро ҳамжихатликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Буюк аждодларнинг вориқлари, бой тарихий қадриятларга эга бутун кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ўз олдига улғу ишларни мақсад қилиб қўйишга ҳақли. Ва у беқийс аъналаримиз ҳақида умуминсоний қадриятларга сунанган ҳолда ўзининг эзгу мақсадларига этишга қодир.

Ўзбекистон — Оллох назар қилган дийр.

Янги аср мамлакат учун янгилаш ва тараққиёт даврига айланишига ишонамиз. Шу боисдан ҳам мустақил юртимизнинг ёруғ истиқбол учун барчамиз ҳамжихат бўлиб курашайлик. Мақсадиимиз Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва келажак авлоднинг бахт-саодатидир. Мамлакат тақдирини, сизу бизнинг тақдиримиз фақат ўзимизга, ўз меҳнатимиз ва ақл-идроқимизга боғлиқ.

Азиз дўстлар!

Бугун янги минг йиллик бўсағасида туриб, Ўзбекистон аҳолиси, Марказий Осиё халқлари ва сайёрамизнинг барча ахлига тинчлик ва ривож тилаймиз. Ишончимиз қомилки, XXI аср бутун жаҳон халқлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжихатлик асри бўлиб қолади. Шу пок ниятимизнинг рўёбга чиқишида Яратганнинг ўзи бизга мадақдор бўлсин.

2000 йил 14 декабрда, иккинчи қақриқ  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлисининг тўртинчи сессиясида қабул қилинган.

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

Илғари хабар қилганимиздек, Тошкентда 15 декабрь куни иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлисининг тўртинчи сессияси ўз ишини якунлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мақлис Раиси Э.Халилов бошқарди. Сессияда бир неча муҳим Қонунлар қабул қилинди. Жумладан, «Терроризмга қарши кураш туғрисида»ги Қонун лойиҳаси депутатлар эътиборига ҳавола қилинди. Ана шу Қонун ҳусусида Президент Ислам Каримов сўзга чиқди. Шундан сўнг парламент ушбу Қонунни тасдиқлади.

Сессияда «Мудофаа туғрисида»ги, «Махсус юклар ва ҳарбий таркиблар транзити туғрисида»ги, «Давлат кадастрлари туғрисида»ги, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги туғрисида»ги Қонунларнинг лойиҳалари депутатлар томонидан тасдиқланди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишди.

Олий Мақлис бир қанча халқаро шартномалар ва конвенцияларни радификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари, Олий Мақлис Кенгаши қарорларини тасдиқлади, базми қўмиталар таркибига ўзгаришлар киритди. Депутатлар парламент номига келиб тушган аризалар туғрисидаги ахборотни тинглашди.

Олий Мақлис ваколат муддати тугагани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларини сайлади. Суд раиси этиб қайтадан Б.Эшонов сайланди.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий Ҳўжалик суди таркибига ўзгаришлар киритди.



● Маъбират ТОҶИЕВА, Юнусобод тумани, «Обод» маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раисаси:  
— Не бахти, юз йилда бир келадиган кўтлуг кунни кўриб олиш, янги XXI асрга қадам қўйиш бахтига эга бўлаемиз. Ҳаётимиз асрдаги 75 йиллик умримизнинг энг унутилмас, фароҳли кунлари мамлакатимиз мустақиллиги йилларига тўғри келди. Мен шундан шодланаманки, 6 нафар фарзандимни эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилувчи қомил фарзанд қилиб тарбияладим. Халқимизнинг азалий орузу-тиلاكларини ижобат бўлди. Кўтлуг мингйилликда ҳам элимиз равнақ топсин, эркимиз абадий бўлсин, ёшларимизнинг умрларига умр қўшилсин.

● Мавжуда ВОҲИДОВА, педагог, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳибаси:  
— Ҳуқуқларимга ҳеч қачон мустақиллик йилларидегидек фахр билан сабоқ бермаган эдим. Негаки, мен тарих фанидан дарс ўтаман. Ҳўз юртинг, аждодларинг тарихини рўй-рост, гуруру билан ўғил-қизларга гапириб бериш бахти шу йилларда насиб этди. Шундан фахрланаманки, янги асрга ёруғ юз билан, тарихимизни, миллий қадриятларимизни тиклаган ҳолда қадам қўймоқдамиз. Келаётган асримиз барчага кўтлуг келисин, тарихимизнинг янги, ўчмас зарвараклари очилаверсин.

● Шахриёр МИРЗАБЕКОВ, курувчи:  
Тугаётган асримиз охири ҳаммасларимиз учун чин бунёдкорлик йиллари бўлди. Шахримиз жамоли тубдан ўзгарди. Ота-боболари ҳақиқий бунёдкор ўтган курувчиларимиз бунди ўз меҳнатлари билан исботладилар. Янги мингйилликда фарзандларимиз шунчаки қомилликка эришди, янги асрга кўз қўриб қувонади, дил қўриб айрайди. Ўзбекининг нималарга қодирлигига барча яна бир бор тан беради. Бунди қўриш ҳаммамизга насиб этсин.



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қорақалпоғистон маданияти кунлари қатнашчиларига табрик йўллади.

● Вазирлар Маҳкамасида Япония ва Ўзбекистон ҳуқуқматлари ўртасида айлмуш ноталирини имзолаш маросими бўлди. Япония ҳукумати ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш учун имтиёзли тарзда 6 миллиард 347 миллион йен ажратди.

● Пул-кредит сиёсати бўйича Республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йилгилиси бўлиб ўтди.

● Фарғонада Фарғона водийсидаги ўқув муассасаларининг раҳбарлари ва ўқитувчилари учун миллий мафқура юзисини ўрганиш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

● Сурхондарё вилояти ҳокимлиги қошидаги фавқулодда вазиятлар бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлди.

● Ҳўтан шаба кун Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгар» спорт мажмуида бокс бўйича республика чемпионати мусобақалари бошланди.

## ЖАҲОНДА

● Кеча Россия Федерацияси Президенти В. Путиннинг Канадада у кунлик ташрифи бошланди. У Канада Бош вазири Ж. Кретьен ва мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан учрашди. Эртага Россия Президенти Канаданинг амалий иш доиралари вакиллари билан учрашди. В. Путин Канадада Кубага ташрифи, бу ерда Куба раҳбари Ф. Кастро билан музокаралар олиб борганидан сўнг келди.

● Яқинда Токиода Ўзбекистоннинг йирик савдо-саноат кўргазмаси очилди. Бу ерда, шунингдек, ташқи савдонини ривожлантириш бўйича Япония ташкилоти (JETRO) ва Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан ташкил этилган инвестиция семинари ҳам ўтказилди.

● Кеча янги муддатга АҚШ Президенти этиб сайланган Жорж Буш ўз маъмуриятидаги дастлабки тайинлашларини амалга оширди. Бугун сайловчилар ҳайъати Жорж Бушни расмий равишда АҚШ Президенти этиб сайлади. 2001 йилнинг 20 январь куни у қасамёд қабул қилади ва ўз лавозимини бажаришга киришади.

● Ҳўтан шаба кунни Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда якунланган АҚШ ва Шимоллий Корея вакилларининг музокараларида 1950-1953 йиллардаги Корея уруши пайтида бедарак йўқолган америкалик аскарларнинг қолдиқларини топиш бўйича биргаликдаги жараёни давом эттириш ҳусусидаги келишувга эришилди.

● Грузиянинг деярли бутун ҳудуди республика энерготиқимида рўй берган авария туфайли электр қувватисиз қолди. Ҳўтан шаба кунни Тбилисида метро ва телевидение ҳам ишламай қолди. Энергетиклар захираларида электрузатгич линияларини ишга тушириш юзасидан чора-тадбирлар кўрмоқдалар.

● Бугун Боқуда халқаро «Шарқ-Фарб» кинофестивали очилди.

● Ҳўтан шаба кунни Россияда Европадаги энг катта кўприклардан бири очилди. У Саратовдаги Волга дарёсининг икки соҳилини бир-бири билан боғлади. Кўприкнинг узунлиги 13 километрге яқиндир.

● Испаниянинг қарий икки миллион кишилик давлат хизматчиларининг тўртдан уч қисми инфляция даражасининг ўсиб бораётганлиги боисидан иш ҳақи оширилишини талаб қилиб уюштирилган иш ташлашда қатнашди.

● Шимоллий ва Жанубий Корея вакилларининг бўлиб ўтган учрашувида томонлар Пхеньянга иқтисодий ёрдам кўрсатишга келишиб олдилар. Янги йилгача яна бир ана шундай учрашув бўлиб ўтиши керак.

● Ҳўтан шаба кунни 1990 йилдан эътиборан биринчи марта Испания самолёти Бағдодга келиб қўнди. Ушбу рейс Ироққа қарши халқаро жаза чораларини бекор қилиш учун ҳаракатда бўлган «Араб иши учун» Испания ташкили томонидан уюштирилди.

● Пермь вилоятида дастлабки ҳисобларга қараганда ичида ўн кишига яқин одам бўлган УАЗ-452 автомобилнинг қидирув ишлари давом этмоқда. Фавқулодда вазиятлар вазириликнинг маълумотларига қараганда машина ичида бўлган балиқ оловчилар Кама орқали ўтаётган пойларда муз тағига кириб кетган деган тахминлар айтилмоқда.

● Россиянинг Владимир шаҳрида Владимир Мономах Кубоги учун бокс бўйича ўтказилган мусобақда қатнашган отти нафар спортчидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси иккита олтин, тўртта бронза медалларини қўлга киритди.

● Дунёнинг биринчи ракеткачиси номига эришган бразилиялик Густаво Куэртен мавсумда маблаг жамғариш бўйича ҳам дунёда тенгсиз экан. Унинг 2000 йилда тўплаган бойлиги 4 миллион 700 минг долларга тенг бўлди. Иккинчи «бойвачча» теннисчи эса россиялик Евгений Кафельниковдир. Унинг жамғармаси ҳозир йилда 3 миллион 600 минг доллардан зиёд. Марат Сафин эса 2000 йилда салкам 3,5 миллион доллар ишлаган.

● Футбол бўйича Англия терма жамоаси мураббийлар штабида ишлаган Терри Венейблс «Медлборо» жамоасига бош мураббий этиб тайинланди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Қорақалпоғистон Республикаси маданият ходимларидан бир гурӯқини муқофотлаш туғрисида

Узоқ йиллик самарали ижодий меҳнатлари билан мамлакатимизда маданият ва санъатни юксалтиришга, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқни мустаҳкамлашга қўшаётган катта ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун куйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»  
Зарретдинов Курбанбай — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат музыкали драма театри бош дирижёри

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»  
Айимбетова Гулҳатиша — «Ўзбекино» гастроль-концерт бирлашмасининг Қорақалпоқ бўлими хонандаси

«Ўзбекистон Республикаси халқ расомии»  
Алибеков Ислам Майбасович — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат музыкали драма театри бош расоми

«Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган артист»  
Сапаев Розимбай — «Ўзбекино» гастроль-концерт бирлашмасининг Қорақалпоқ бўлими хонандаси

Кутекева Роза Артиқовна — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат музыкали драма театри актёри

Қорақалпоғистон халқининг маданияти ва санъатини ривожлантириш ҳамда омаллаштириш йўлидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатлари, эришган ижодий ютуқлари, миллатларо ҳамжихатликни мустаҳкамлашдаги фаол иштироки учун куйидагилар муқофотлансин:

«Меҳнат шўхрати» ордени билан  
Муҳаммеддинов Нажиматдин — Нукус шаҳар маданият билим юрти директори

«Дўстлик ордени билан»  
Матчанов Байрам — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти

Мурадов Байрамгелди — «Айқулаш» ансамбли директори

«Шўхрат» медаллари билан  
Пиржанова Дилноза Жумабаевна — «Аму тўққини» ансамбли рақосаси

Қалимбетов Тўраниёз — «Қорақалпоқфильм» киностудияси режиссёри

Қарлибаев Абдибай — Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, журналист

Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиги билан  
Абибов Юсуп Жумабаевич — «Айқулаш» ансамбли балетмейстери

Латипов Розумбай Усманович — Тўртқўл туманидаги «Жайхун» ансамбли бадий раҳбари

Раметова Гулбахар — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси оркестри созандаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 15 декабрь.

## Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари

### ДўСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ



Илғари хабар берганимиздек, мана тўрт кундири гўзал пойтахтимизда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари эрр шодлиқ билан ўтмоқда. У чин маънода дўстлик ва қардошлиқ байрамига айланб кетди.

15 декабрь куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларининг тантанали очилиш маросимида ҳам бир ота-онанинг икки фарзанди бўлган ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг дўстлиги, аҳиллиги, биродарлиги эрр мамнуният билан қайта-қайта таъкидланди.

Тантанали кечани Тошкент шаҳар хокими К. Тўлаганов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Қорақалпоғистон маданияти кунлари қатнашчиларига табрик йўллади. Юртбошимиз Ислам Каримовнинг ушбу табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Мелибоев ўқиб эшиттирди.



Президентимизнинг Фармониға мувофиқ, узоқ йиллик самарали ижодий меҳнати билан мамлакатимизда маданият ва санъатни юксалтиришга, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқни мустаҳкамлашга қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қорақалпоғистонлик ижодкорлардан бир гурӯқни давлатимизнинг ордени, медал ва фахрий унвонлари билан муқофотланганлигини маълум қилди.

Тантанали кечада Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси Т. Камолов сўзга чиқиб, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида қорақалпоқ маданияти кунларининг ўтказилиши мамлакатимиз халқларининг миллий қадриятларини ривожлантириш, миллатлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб, давлатимиз раҳбарига анжуман қатнашчиларига самимий табрик йўллагани ва Оролбўйи ўлкаси ижодкорларидан бир гурӯқини Ватанимизнинг юксак муқофот-

лари билан тақдирлагани учун миннатдорчилик изҳор этди.

Тантанали кечада Ўзбекистон Қарамони А.Орипов ҳамда Қорақалпоғистон халқ шоири И.Юсупов сўзга чиқибди, биродарлигимиз ва оға-инилгимизни мадҳ этувчи шеърлар ўқиди.

Анжуманда Олий Мақлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А.Тожиев ҳамда Олий Мақлис Раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, вилоятларнинг ҳокимлари иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари якунланди.

(Ўз муҳбиримиз)  
СУРАТЛАРДА: Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари шодлиқлари.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Санобар опа билим юрти дарвозасидан кириб борар экан, ҳар бир шоғирдининг уни табассум билан «Ассалому алайкум, устоз», дея қўлиб олиши дилига бир олам фахр туйғуларини солади, шундай шарафли ва эҳтиромли қасб эгаси бўлганидан, шу туйғулар ҳурмат-эътибор топганидан қувонади. Айниқса, ҳар бир шоғирд-табабасининг муваффақияти, ютуғи уни янама баракалик оқибат килишига, бор билим ва куч-ғайратини уларга бахшида этишга ундайди.

«Дарахт бир жойда кўкаради» деган аjoyиб нақлимизнинг исботини бугун пойтахтимиздаги 1-Тошкент педагогика билим юрти моҳир муаллимаси Санобар Тожиева тиссолида қўришимиз мумкин. Низомий номли педагогика институтини тугатиб бир йилгина Бўстонлик туманидаги 1-ўрта мактабда математика фанидан дарс берган муаллима 1973 йилдан билим юртида меҳнат фаолиятини давом эттира бошлади. Мана 27 йилдирки бу қадрдон маскан, ҳамжихат жамоа, меҳридаре устозлар унинг учун энг азиз масканга, энг яқин одамларга айланган қолди. Институтда тахсил олган даврида илк устозлари — бошланғич синф ўқитувчиси Худойберган Каримовнинг, талабчан ва бир сўзи математика муаллими Дилором Тожиеванинг берган билимлари қўл келган бўлса, меҳнат фаолияти давомида моҳир педагог Меҳри Шарипова, жонқуяр мураббийлар Муҳаммад Мавлонова, Эргаш Каримов, Махмудад Одилова, Улмас Хошимовларнинг доно ўнгитарию тажрибалари унга энг яқин сабоқ бўлди.

Санобар Тожиева билим юртида илк иш бошлаган кезларида тажрибали педагогларнинг дарсларини кузатиб, ўз дарс ўтиш жараёнида ҳам тиним билмай ишлагани, Албатта, иштилоқ, иштилоқлар, устозлар маслаҳатлари натижасиз қолмади. Билимга чанқок, талабаларга жонқуяр муаллимини барча бирдай севиб қолди. У ҳамisha чўқур билимга эга бўлишга, талабаларни саволларига тушунарли жавоб беришга ҳаракат қилди. Бўлғуси педагогларга бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси фанидан пухта билим бера бошлади. Ҳар доим назарий билимларини амалиётга боғлаб олиб борди.

— Талабаларга дарс ўтар эканман, ҳар доим кўз ўнгимда илк бора ҳажжи қизалоқ ёки болакай қўлига қалам тутиб, уларнинг ҳовдираб турган кўзларига боқиб, ўзадига бор билимини ўргатмоқчи бўлган биринчи муаллима туради, — дейди Санобар опа. — Менимча биринчи ўқитувчи қўл нарса боғлиқ. Фарзандларимизни билим ва тарбия бўстонига етаклаб киргүвчи ҳам — илк устоз. Шу

боис бўлса керак мактаб остонасига қадам қўйганда сабоқ берган муаллимин ҳеч ким унутмайди. Мен шунга ҳаракат қиламанки, биз тайёрлаётган ўқитувчи ўз ўқувчиларига фани тез, осон, қўлай усулда тушунтира олсин. Ўқувчининг жавоби — бу сиз берган билимингиз баҳоси бўлади.

Санобар Тожиева республикадаги педагогика билим юртлари ўқитувчилари билан доимо ҳамкорликда тажриба алмашиб иш юритади. Билим юртида физика-математика фани уюшмаси раиси. Унинг «Бошланғич математика курс асослари ва бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси» фани бўйича тузган дастурдан республикамиздаги педагогика билим юртларининг математика ўқитувчилари фойдаланишмоқда. Мамлакатимиздаги ўқув юртларида ўтказилаётган илмий анжуманларда ўзининг маърузалари билан иштирок этади. Таълим марказида эса математика методик қўлланмаларини тақриз қилишда фаол иштирок этади. Фан янгиликларини чўқур мушоҳада этиб, ҳаётга татбиқ эта олади.

Нишондорларимиз

# ШАРАФЛИ БУРЧ



У — «Халқ маорифи аълочиси». Республикамиз Мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида эса муаллим меҳнатига яна бир юксак баҳо берилди. Президентимиз Фармонига кўра мукофотланганлар қатори у ҳам «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Санобархонга бундай улкан мукофот насиб этганидан бугун жамоамиз, унинг шоғирдлари жуда мамнун бўлишди, — дейди билим юрти директори Минавар Исмоилова. — Ҳақиқатан ҳам у ўзининг билими, тажрибаси, талабчанлиги билан бундай эътибор қозongan. «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга оширишда, соғлом, баркамол авлодни тарбиялашда ўзининг нуносиб хиссасини қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда Санобар опанинг қўллаб-қўллаган республикамизнинг барча вилоятларида муваффақият билан фаолият юритувчи. Узи билан ёна-ён меҳнат қилаётган Екунжон Расуллова, Шахноза Махкамова, математика муаллими Наима Дусканова, Наима Мадримовалар опанинг энг яқин шоғирдларидан.

— Энг муҳими, оиланинг тинчлиги, иш шaroитининг яхшиланиши, раҳбарнинг жонқуярлигидир, — дейди муаллима. — «Дўстлик» ордени — бу нафақат менга, жамоадoshларимга, билим юртига берилган мукофотдир. Уни оқлаш, мукофотга лойиқ бўлиш — шарафли бурч. Президентимиз эълон қилган Оналар ва болалар йилида ҳам ана шу шарафли бурчни адо этиш асосий мақсадимдир.

2001 — Оналар ва болалар йили

# АНИҚ РЕЖА АСОСИДА

Соғлом фарзандни сийхат-саюмат она ҳаётга келтиради. Шу сабаб-ли ҳам Соғлом авлод йилининг февраль ойида «Аёл ва саломатлик» уюшмаси иш бошлаган эди. Уюшма раиси Мунира УСМОНХУЖАЕВА унинг мақсад ва вазифалари, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар хусусида кўйидагиларни маълум қилди.

— Уюшмамизнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари қўл бўлиб, уларнинг барчаси аёл саломатлигига, соғлом фарзандларнинг дунёга келиши учун пухта замин ҳозирлашга қаратилган. Ана шунга кўра туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, баалоғат ёшидаги қизларни турмушга тайёрлаш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, туғиш ёшидаги аёлларни контрацепцияларни усуллаш ва туғри ишлатишга ўргатиш, шунингдек, корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллаларда, ўқув юртларида тиббиёт, чекиш ва теританосия касалликларининг олдини олиш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу кунга қадар 21 та ўқув семинарлари ва 50 тадан ортиқ давра суҳбатларини ўтказишга муваффақ бўлиб, уларга етакчи мутахассислар тақдир этилди. Тасдиқланган режамизга кўра пойтахтимиз туманларидаги маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида талабалар ва хотин-қизлар ўртада «Соғлом оилани шакллантириш», «Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари», «Қизларни оилани ҳаётга тайёрлаш», «Туғиш ёшидаги аёллар соғлигини муҳофазга қилиш», «Ешлар орасида ичкиликбозлик, наркомания, теританосия касалликларининг олдини олиш» каби мавзулардаги анжуманларимиз катта самарали ўтди ва йилгиланларда катта таассурот қолдириди.

Биз ўз ишимизни, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, туман хотин-қизлар кўмиталари,

шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда ҳимий ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этиб, аёллар ва болалар соғлигини ҳимоялашга, соғлом фарзандлар туғилишига эришишга эътибор қаратмоқдамиз.

Уюшмамиз ташаббус билан чиқиб шаҳримизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Галаба» маҳалласининг 50 та кам таъминланган оиласига ёрдам кўрсатишини ўз зиммасига олган эди. Бу ташаббусни муваффақият билан амалга оширмоқдамиз. Кам таъминланган оила аъзоларининг барчасини соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида 33-оилавий шифохонада диспансеризация қўригидан ўтказдик. Оила аъзоларида аниқланган касалликлар бўйича даволаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, бу оилалардаги ёш болали ва ҳомилдор, туғиш ёшидаги аёлларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга нафақат тиббий, балки моддий ёрдам ҳам кўрсатилмоқда. Ушбу оилалар фарзандларига кийим-кечак ва зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ҳомийлар ёрдамида вақти-вақти билан бепул тарқатилмоқда. Ёш болали оналарга эса «Болалар дорихонаси», яъни чақалоқлар учун биринчи навбатда зарур бўладиган дори-дармонлар бепул тарқатилди.

Ҳали олдимизга қўйган вазифаларимиз жуда кўп. Уларнинг барчаси асосида — аёл саломатлиги туради. Кириб келатган Оналар ва болалар йилида олдимиздаги мақсадимизга эришишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Маълумки, ҳар бир аёлда қимматбаҳо тақинчоқлар бор ва уни асрайди. Бу тақинчоқларнинг кўп йилга ҳизмат қилиши, ҳатто кизу набираларининг мерос қилиб қолдириш учун кўйидагиларга эътибор берсангиз фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бека  
**ТАҚИНЧОҚ — СИЗГА ҚУСН**

◆ Косметика билан шуғулланаётганда, айниқса таркибда симоб ва олтингургур тузлари бўлган кремлардан фойдаланаётганда тилла буюмларни ечиб қўйинг.

◆ Тақинчоқларнинг назм тегиб доғланган қолмаслиги учун ечиб қўйганингизда юмшоқ мато — куруқ фланель билан яхшилаб артинг.

◆ Форуза ва марвариддан ишланган безак буюмларни айниқса эҳтиёт қилиш керак. Бу тошларнинг ранги совун кўпиги, косметика воситалари, атир, сув, ацетон, кислоталар, қуёш нури таъсирида ўзгаради.

◆ Йод олтинда доғ ҳосил қилади. Доғни кетказиш учун тақинчоқни 15-20 дақиқа гипосульфитли эритмага солиб қўйиш керак. Бунда бир стакан сувга 1 чой қошиқ гипосульфит қўшилади.

Муносабат

Аёл — бу она, дунёдаги энг азиз ва мўътабар муқаллас инсон. Оналарнинг нақадар азизу муқаррамлигини, қадри зот эканини ҳаммамиз юрак-юракдан хис қиламиз. Уларнинг чеҳраларида қувончу шодлик, бахтиёрликни кўрсак, яраб кетамиз.

Агар аксинча, уларнинг юзида ғам-таъшив, аччиқ, аламли кўз ёшларини кўрсак, дунё қоронғу зулматга айлангандек, қалбимиз изтиробга тулади. Мунис ва меҳрибон оналарнинг нозик ва беозор қалбларига таскин бериш учун сўз тополмаймиз.

Аёл йилғамасин дунёда... Ҳа, бу иборани ҳамма-ҳаммамиз чин дилдан истаймиз. Минг афсус, орамизда ноқобил, ношуд фарзандларнинг норпоқ қилишлари, ўйламай босган қадамлари туфайли зор қақшаб, юрак бағри хун бўлган, кўзлари ёшга тўлган оналар ҳам бор.

ота-оналари, яқинлари бағрини қон, дилини айрон қилиб, қариган чоғларида элу юрт олдига юзларини ерга қаратиб, лаънатларга учрадилар.

Аёл йилғамасин дунёда... Ҳа, оналар не-не умид-орзулар билан бугун борлигини, ёруғ жаҳонини жонидан ҳам азиз фарзандига бахш этади. Уларнинг бахтини, камолтини қўришни орзу қилади. «Ойнаи жаҳон» орқали намойиш қилинган кўрсатувларда 16 февралда содир этилган портлашлар оқибатида бевақт қурбон бўлган ҳамда Сурихондаре вилоятининг Сариев ва Узун туманларида Ватанимизни ёвуз кимсалардан ҳимоя

Аёл борки, олам мунаввар

# ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛАЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Аёлни таърифлашга баъзида лугатимиздаги сўзлар камлик қилади. Унга қанчалик эъзоз кўрсатмайлик, оздек тўйилади. Шунинг учун бўлса керак Ватанимиз Мустақилликка эришгач хотин-қизларимизга эътибор ҳар қачонгидан ҳам юксалди. Уларнинг нафақат оилалари, балки жамиятдаги ўрни, мавқеи ортиб бормоқда. Бу борада жойларда фаолият кўрсатётган хотин-қизлар кўмиталари ҳамда фаолларининг роли каттадир.

Юнусобод тумани хотин-қизлар кўмитасида ҳам Соғлом авлод йилида кўзда тутилган барча тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиб, туманда истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолиятини оширишга, соғлом фарзандлар тарбиясида уларнинг маънавиятини юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. «Соғлом авлод» Давлат дастури асосида туман ҳокимлиги ва Оила, оналик ва болаланинг ижтимоий муҳофазга қилиш мажмуаси бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, унда кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилиши ҳар чорак якуни бўйича Котибият ва хотин-қизлар кўмитасининг раёсат йиғилишларида мунозаам қўриб чиқилмоқда.

хонлигини ошириш, ёш қизларни турмушга тайёрлаш, фарзандларимизни, бугунги ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга, шарқона урф-одат ва анъаналаримизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда туманда ўтказилаётган ҳар бир тадбирнинг ўзига хос аҳамияти бор. «Оила ва ижтимоий ҳимоя» илмий амалий анжумани, «Соғлом турмуш тарзи — жамият тараққиётининг бош омил», «Ватан ҳимоясига тайёрмисиз?», «Аёлни улуғлаш

ётган аёллар сони 27 нафарга етди. Тумандаги корхона ва ташкилотларнинг ишчи кучига бўлган талаби эътиборга олинди, меҳнат бўлими йил бошидан 310 нафар аёлни шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси қошидаги «Ўқув маркази»нинг қайта тайёрлов курсларида ЭҲМ оператори, ҳисобчи, тикувчи-бичувчи, котиба-референт, менежер, сартрош, косметолог, иш юритувчи, ошпаз-қандолатчи каби касбларга ўқитилди.

Аёлнинг тadbиркорлиги ҳам жамиятга, ҳам оиллага фойда келтиради. Шуниси эътиборлики, туманда 119 та кичик ва ўрта бизнес корхоналарини аёллар бошқаришмоқда. 930 та аёл яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда.

Албатта, бола соғлом туғилса, сийхат-саюмат ўса онанинг кўнгли хотиржам бўлади. Шу туфайли ҳам ногирон болалари бор оилаларга ёрдам бериш, ногиронларнинг жамиятимизнинг тўлақонли аъзолари бўлишини таъминлаш учун ҳаракат қилинмоқда. Тумандаги 41-оилавий поликлиникада ногирон болаларни реабилитация қилиш маркази ташкил қилинди. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 17 та бола ногиронлик билан ҳисобга олинди. Протез-ортопед маҳсулотлари олиш учун 16 ёшга бўлган ногирон болалардан 343 тасига йўлланма-талон берилди. Стационарга даволаш учун ётган 55 нафар ногирон болага бепул овқатланиш учун имтиёзли йўлланма берилди. 284 нафар болага бепул дори-дармонлар ажратилди. Ногирон аёллар ва болалар ҳамisha диққат-эътиборда бўлмоғи учун кўмита, унинг уюшмалари маҳаллалар билан ҳамкорликда ишламоқда.

Шунингдек, хотин-қизлардан тушган шикоят ва аризалар ўз вақтида қўриб чиқилиб, керакли чора-тадбирлар белгиланмоқда, қўнчилиги илҳомий натижасини топтомоқда. Бу ишда котибият, маҳаллалар хотин-қизлар кўмиталари фаолият кўрсатишмоқда.

Шуниси эътиборлики, туман хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Хуқуқшунос аёллар», «Олима аёллар», «Ижодкор аёллар», «Санъаткор аёллар», «Фахрий аёллар» уюшмалари ҳам эътиборга лойиқ ишларни амалга оширишмоқда. Сирасини айтганда туман хотин-қизлар кўмитаси аёлларга энг яқин ҳамкор, йўлбошич, маслаҳатчи ва кўмаклашувчи бўлиб, уларнинг муваффақиятидан қувониб, муаммоларини ечишда ёрдам бериб, ташвишларига шерик бўлмоқда.

— Ватанини улуғлашдир», «Юнусободлик бегойимлар», «Инсон қадри ва ҳоҳираси муқаддас», «Омон бўлгин, болакай», «Оила — муқаддас Ватан», «Аёл ва тadbиркорлик» деб номланган учрашув, анжуман, давра суҳбатлари ва танловларда хотин-қизларнинг фаолиги яна бир бор намойиш бўлмоқда.

Туман хотин-қизлар кўмитаси аёлларни иш билан таъминлашда ҳам улар учун қўлай усуллардан фойдаланмоқда. Йил бошидан буён 1700 нафардан зиёд хотин-қиз учун ишчи ўринлари яратишга муваффақ бўлинди. Фарзандли аёллар учун уй шароитида касб ўргатувчи ишчи ўринларини ташкил этиш бўйича корхоналар билан боғланиб маҳалла хотин-қизлар кенгашлари раислари бандлик хизмати инспекторлари билан ҳамкорликда уларга тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Аёлларнинг уй шароитида меҳнат қилиши, албатта фарзанд тарбиясида ажралиб қолмаслик, оила иқтисодини мустаҳкамлашда ҳам жуда муҳимдир. Ана шунини эътиборга олиб туман меҳнат бўлими билан ҳамкорликда «Усто-шоғирд» дастури бўйича маҳаллаларда илмий хунармандчилик билан шуғулланаётган аёллар аниқланиб, имкониятлар яратилмоқда. Шу кунга қадар «Усто-шоғирд» дастури билан ишлар

# ЯҚИН МАСЛАҲАТЧИ ВА ҲАМКОР

— Ватанини улуғлашдир», «Юнусободлик бегойимлар», «Инсон қадри ва ҳоҳираси муқаддас», «Омон бўлгин, болакай», «Оила — муқаддас Ватан», «Аёл ва тadbиркорлик» деб номланган учрашув, анжуман, давра суҳбатлари ва танловларда хотин-қизларнинг фаолиги яна бир бор намойиш бўлмоқда.

Кам таъминланган оилалардаги туғиш ёшидаги аёллар ва болалар учун тиббий-ижтимоий патронаж (амбуланс) қилиш жорий этилиб, маҳаллалардаги ана шундай аёлларга даволашни учун йўлланмалар берилди. Туман маҳаллаларидаги 567 та кам таъминланган оила, 2691 та 2 ёшгача ва 6922 та 16 ёшгача болалари бўлган оилалар моддий ёрдам ва болалар нафақасини олдилар.

Хотин-қизларнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий савод-

Назм  
**УНДА ОНАМ ШИРИК ЭДИЛАР**

Унда қувноқ, шўх-шодон эдим  
«Бунча бахтли экан» дедилар.  
Заъдан қунаб, ўйнаб кетардим,  
Унда онам ҳаёт эдилар.

Даричадан ойни кузатиб,  
«Оймўма қиз» деганлари бор.  
Ёр-ёр билан тўй-ла узашиб,  
Бахт тилаган такрор ва такрор.

Ҳаёл бўлиб ўтди гул умр,  
Оқар сувнинг ўзимидилар...  
Эса тушиб йиллардан бир-бир,  
Унда онам ҳаёт эдилар.

Санобар КОДИРОВА.

Маслаҳатларимиз

- Боланинг нафас йўлига кичкина нарса ўтиб кетса, у йўтала бошлайди. Бу йўтални тўхтатишга уриниб, бола янама қаттиқроқ йўталсин. Кичкинтойнинг бошини пастига қилган ҳолда қорни билан тизангизга ётқизиб ёки бошини пастига осилтиргача орқасига уринг. Ана шунда майда нарса нафас йўлларида чиқиб кетади.
- Боланинг зинагини бурнига муноқ ёки нўхат кириб кетса, буруннинг нарса кирмаган тегишини рўмолча билан маҳкам беркитиб туриб, бурнини қаттиқ қоқишга унданг, нарса чўқур кирмаган бўлса тушади.
- Қулоқ оғриганда одатда бозор кислотасидан фойдаланилади. Унинг ўрнига алоэ ишлатса ҳам фойда беради. Алоэ оғриқни тез қолдириб, шамоллашни бартараф этади.



Ҳаётимиз гуллари. Равиля Альбеков олган сурат.

# АЁЛ ЙИЛҒАМАСИН ДУНЁДА...

яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий судида қотиллик, терроризм, босқинчилик, қўпурчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлари амалга оширишда айбланаётган 12 шахс устидан олиб берилган суд жарғини ниҳоясига етди. Ҳукми ўқилди. Буни «ойнаи жаҳон» орқали қўриб, кузатиб бордик. Газеталарда мунозаам ўқидик. Айниқса, газеталарда эълон қилинган «Ҳукм» номли мақолада судланувчиларнинг амалга оширган муқдих жиноятлари, қотилликлари аниқ далиллар асосида очик ва равшан баён қилинди. Бу мақолани ўқиганам киши бўлмаса керак. Судланувчиларнинг кўз қўриб, қулоқ эшитмаган қабиҳликлари, қотилликларини билиб, уларга нисбатан нафратимиз, қаҳру ғазабимиз яна ҳам кучайди.

килиш учун жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган йигитларнинг оналарининг қайғуси, аламли дил сузларини, изтиробли кўз-ёшларини қўриб, оху фарёдларини эшитиб қалбларимиз ларзага келди. Бу бевақт ҳазон бўлган мард, навқирон йигитларнинг суратларини кўрганнимизда эса кўзларимиз ёшга тўлди.

Мен ҳам онаман. Мақолани ўқигач, ўйланиб қолдим. Она сифатида ушбу қотилликларни, ваҳшийликларни қилган жиноятчиларнинг оналарини кўз олдимга келтиришга ҳаракат қилдим. Бу жиноятчи, қотил кимсаларнинг ҳам оналари бордир. Суд ҳукми ўқилган, бу оналарнинг аҳоли не кечди экан? Бу оналар ҳам ёмон ният билан фарзанд тарбияламагандир, келгусида улардан орзу-хаваслари, умидлари катта бўлгандир албатта. Дунёда ҳеч бир миллат йўқки, фарзандини ёмон ният билан вожа етказадиган, ёмон тарбия бериб, жиноятга, қотилликка ундайдиган. Йўқ, асло ундай миллат ҳам, оналар ҳам йўқ. Афсуски, орамизда қутилмаганда қотил, босқинчи айланган фарзандлар

Бу ҳақиқий ватанпарвар, халқимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган жасур ўғлонларимизнинг номлари қалбларимизда абадий яшайди. Шундай фарзандларни тарбиялаб, вожа етказган ота-оналарга сабр-бардощ тилаб, тасанно айтигинг келад.

Аёл йилғамасин дунёда... Эй, қалби пор-пора бўлган Она! Мард, жасур ўғлонинг билан фахрлан, қаддингги тик тут. Бу доворак йигитларнинг қаҳрамонликларини халқимиз унутмайди.

Ҳа, озода ва обод Ватанимизда оналаримиз ҳамisha бахтиёр, шодон умр кечирашларини, чеҳраларига ғам-таъшив соя солмастлигини, кўзларидан нам бўлмаслигини истаймиз. Бу кўпроқ фарзандларга боғлиқ. Албатта фарзандлар тарбияли, билимли, қомил инсон бўлиб етишсалар, кейсаян чоғларида ота-оналарнинг кўнглига озо бермай, дуо-ларини олиб, уларни хурмат-иззат қилсалар, ана шунда ота-оналар ҳам орзу-хавасларига етадилар, бахтли-саодатли умр кечирадилар. Бу барча оналарнинг қалбидидаги эзгу ниятидир. Фақат, истагимиз...

Аёл йилғамасин дунёда...  
Гулором ҲАМИДОВА.

Саҳифани Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади.

**Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, жамиятнинг барча қатламларида, барча соҳаларида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Жумладан, музейлар фаолиятида ҳам янги давр бошланди: музейлар Шарқ санъатининг нодир намуналарини жаҳонга қўз-қў қилиш имкониятига эга бўлди.**

1997 йилда Ўзбекистон Музейлар Миллий Кенгаши (ИКОМ) тузилганлиги мамлакат музейлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди. У қароргоҳи ЮНЕСКО (Парижда) бўлган Халқаро Музейлар Кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлди, жаҳон музейлари ҳамжамияти таркибига кирди.

Президентимизнинг 1998 йилдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бўйича музейлар фаолиятини яхшилаш, уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди. Биз жамғарма фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида жамғарма бўлим мудир, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нафиса Содиковага музоахат қилдик.

**Нафиса Содикова, «Ўзбекмузей» жамғармаси ўз фаолиятини бошлаганидан ҳам икки йилга яқин вақт бўлибди. Бу жамғарма шу вақт ичда қандай ишларни амалга оширишга улгурди, унинг асосий вазифаси нималардан иборат?**


Президентимизнинг 1998 йилдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бўйича музейлар тизими

ни янада такомиллаштириш, уларни халқнинг маънавий-ахлоқий қамолотида туганган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимиз бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини ақс эттирувчи, ноёб, нодир экспонатларни авайлаб-асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий гурур ва ифтихор, истиклол ва Ватанга

меросини кенг тарғиб қилиш, миллий мустақиллик гулларига мос экспозициялар яратиш, музейларимиздаги ноёб экспонатлар орқали халқ онгида умумбашарий қадриятларга, улкан ва бой, миллий ва маданий меросимизга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини тарбиялаш мақсадида буюк сиймослар ва алломалар кўргазмалари, қатор танловлар ўтказмоқда.

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси

**Жамғармалар фаолиятини «ЎЗБЕКМУЗЕЙ»НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ**



садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароитларни яратиш масалалари кенг қўламда кўйилди.

Бундай улкан вазифаларни бажаришда музейларга яқиндан ёрдам бериш ва кўмаклашиш учун «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди ва у бир неча йўналишда иш олиб бормоқда.

Биринчи галда, музейлар фаолиятини ҳар тарафлама ўрганиш ва улар тараққий-ётини таъминлаш мақсадида илмий дастур ишлаб чиқилди ва Вазирилар Маққасига топширилди.

Ўзбек халқининг моддий ва маънавий

Вазирилар Маққасининг маданий ёд-горликларимизни сақлаб қолиш ва уларни четга чиқиб кетишига йўл қўймаслик ҳақидаги қарори бўйича чет элларда сақланаётган Ватанимиз тарихига оид осори-атикаларни аниқлаш, улардан нусхалар олиш мақсадида Ташқи ишлар вазирилари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Булардан ташқари Республика музейлари захирасида сақланаётган (улар 1 миллион 600 миңдан ортиқ) моддий, маънавий, тарихий, маданият ва санъат бойликларининг ягона рўйхатини юртин, уларнинг муҳофаза шароитларини доимий, қатъий назоратга олиш, бу со-

ҳада тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва илмий каталоглар на-шрини тайёрлаб, мамлакатимиз фуқаролари ва чет эл жамоатчилигини кенг таништириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Чунки каталоглар бебаҳо тарихий манба ҳисобланиб, уларда ҳар бир предметнинг тўлиқ тавсифи, яъни унинг аниқ номи, ясашиш техникаси, илмий тавсифи ва қайси музейда сақланиши, тартиб рақами кўрсатилган бўлади.

Шу билан бир қаторда «Ўзбекмузей» жамғармаси томонидан «Бухоро олтинлари» буклети ва Тарих музейи билан ҳамкорликда «Мақтабларда музейлар ташкил қилиш қўлланмаси» чиқарилди.

Миллий удумларимиз ва халқ байрамлари, урф-одатларимиз тўғрисида илмий рисоалар, альбом, буклетлар, кўргазмалар ва лекциялар уюштиришда музейларга услубий ёрдам бермоқдамиз.

Маънавият ва маърифат соҳасида ҳам кенг қўламда иш олиб бормоқдамиз. Қисқа қилиб айтганда, «Ўзбекмузей» жамғармаси томонидан жуда азгу ва хайрли ишлар олиб боришмоқда.

Мустақиллик дийримизга бахт келтирди, тобелик жангирини узиб, тилимизни, динимизни, маънавий, маданий, тарихий қадриятларимизни қайтарди, топталган гуруримизни тиклади, халқимиз онгида миллий гурур ва ифтихор, истиклол, Ватанга садоқат туйғуларини кучайтирди. Бу соҳада музейларимизга қатта имконият яратди. «Ўзбекмузей» жамғармаси жамоаси ҳам ўз олдига қўйган вазифаларни бекаму кўст, бажонидил бажаришни ўзининг бурчи деб билди.

Сухбатни Шоира МУҲАМЕДОВА ёзиб олди.

**ШАРҚ ДУРДОҲАЛАРИ**  
**ЎЗ-ЎЗ ҲАҚИДА**  
**ДОМО БУЛАВ...**

**УНОБИ**

Мева-чевалар ва ўларнинг шифобахш хосиятлари ҳақида тўртликлардан иборат шەрий китобча тайёрлаётган эдим. Тўртликларни танишларимга ўқиб бериб, фикрларини сўрадим.

Бир кун би муносабат билан катта акамниқда қариндошлар йиғилдик. Узоқ суҳбатлашиб ўтиргач, оёқларни ёзиш учун ташқарида чиқдик. Ховлида иккита катта уноби, яъни жилинжиди шигил-шигил мева қилиб, пишиб ётарди. Остига бордик ва мевасидан олиб едик. Шунда мен қариндошларга қараб:

— Мана бу тўртликни ким менга тушутириб беради? — дедим ва ўқидим:

**Оқши барлар аро қизил уноби, Қарасам, турибди чиқиб хуноби. Сўрасам дер: — Нега одамлар мени, Кўрганда қочади оғзин таноби?**

Эшитганлар бироз жим қолди. Акамнинг бешинчи синфда ўқийдиган ўғли биз билан бирга эди. У:

— Дадамнинг қон босимлари кўтарилганда, қовоқларини солиб, бизни уришаварадилар. Онам дарҳол уноби ивтимасидан ичирдилар. Шунда жажилари кетиб, оғизларининг таноби қочади, — деди.

Хаммамиз қулиб юбордик. Бу сўзда тўртликнинг мазмуни ўз ифодасини топган эди.

**САЛОМ**

Бир танишимнинг бошқа таниши билан оралари бузилиб қолганини эшитдим ва ундан бунинг сабабини сўрадим. Арзиматган сабаб экан. Танишимнинг таниши ундан аразлаб қолибди ва уни кўрганда тескари қараб олар эмши.

— У билан алоқа тикланишини хоҳлайсанми? — дедим.

— Албатта, — деди у астойдил. — Бу ҳолдан кўнглим жуда хира.

— Бўлмаса, уни кўрганида салом бер, чунки салом орани яхшилайди. Хадисларда, салом ўзаро муҳаббатни оширади, дейилган.

**Буюк бор қувватга эгадур салом, Эгилмас бўйинни эгадур салом. Юракдан гинаю арани қувиб, Муҳаббат уруғин эгадур салом.**

**АНОР**

Бир неча дўст гурунлашиб ўтирдик. Дўстларимиздан бири каттароқ амалда бўлиб, биз билан камроқ учрашадиган бўлиб қолганди. Ҳар қалай бу гал мажлисимизга келди. Дўстлардан шаддроғи унга танбех бериб, тумшуги кўтарилиб кетганлида айблади.

**Танқиддан одамнинг занги кетади, Сохта бўғининг ранги кетади. Чангоқ бўғанда нуқтаки қара, Яхшилаб қоқилса чанги кетади.**

Дўстимиз ўзини айбдор деб ҳисобладими ёки гапирувчининг сўзлари оғир ботими, қип-қизариб кетди. Шунда ўтирганлардан бири:

— Қўй, кўп қийнама, қара бечора қизариб кетди, — деб қолди.

— Кўявер, қизарса, — пишади, — деди у.

**Танқиддан танибдехан дилга таш тушар, Қизарар, бўзарар, юрак ачишар. — Йўқ, йўқ, уноби дема, анорга қара, Аввал хом эди, сўнг қизариб пишар.**

**ЎРОК**

Эсимда бор, марҳум қиблагохим Маҳдум Восилий: «Ўғлим, илм банд тоғ, унга чиқиб қийин, нодонлик чуқур гор, тушиш осон, чиқиб қийин», деган эдилар. Сўнг давом этиб: «Нодонликнинг давоси илмдир, илм ўқинг, бу йўлда муҳамликка йўл қўйманг. Нодон одам нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам зарар етказад», — деган эдилар.

**Илмдан юракнинг қўри қўнасар, Ақду онг, адрокнинг зўри қўнасар. Нодонлик ўроқким, уришса туниса, «Уриш»дан пешона «шўри» қўнасар.**

**ЛАХЗА**

Қизим Ферузахонга бир иш буюрган эдим:

— Хўп, дада, бир лаҳзада бажариб келаман, — деди.

— Йўқ, — дедим унга ҳазиллашиб, — лаҳза қўплик қилади, бир одам бажариб кел.

— Бир лаҳза сиз учун шунчалик қимматлими? — деди қизим менга жавобан.

— Ҳа, қизим, — дедим унга, — шундай лаҳзалар бўладики, бу лаҳзалар номининг миңг йилларга олиб кетади.

Сўнг унга мана бу тўртликни ёзиб бердим:

**Дилга тонг солувчи лаҳзани қидир, Ақду онг солувчи лаҳзани қидир. Нолим миңг йил қолсин, десанг, миңг йиллик, Йўлга бонг солувчи лаҳзани қидир.**

**ОҒИР ЮК**

Ишонадаги дўстларимдан бири, ғазаб билан гапиратган экан. Аста келиб, елкасига қўлимни қўйдим, сўнг:

— Юкни ташла! — дедим.

— Нарн тур, — деди у жажилдан тушмай, — ўзим ўлай деб турибман-у сен хазил қилсан.

— Улмагад деб юкнингни ташла, дейман-да.

— Қанақа юк?! — баттар жажли чикди унинг.

— Уқимаган экансан-да, бир ҳақимдан: «Дунёда энг оғир юк қайси юк?» деб сўрадилар. — «Ғазаб юк» — деб жавоб берибди у. Бирорлар, ғазаб асабининг қушандаси ва юракнинг эғови. Одамнинг ақли ғазабини бошида билинади. Жаҳиллар: «Жанг майдонига душманни енгган пахлаван эмас, ғазабини босолган пахлавондир» деганлар. Кел, бугун бир пахлавонлигингни кўрсат! У тезда ғазабдан тушди ва лаблариди табассум кўринди.

**Асаба давонинг авлоси — кулги, Асорат қолдирмас шифоси — кулги. Асаба дорюу гўёх ислама, Гўёху дорисиз давоси — кулги.**

**ЧУМОЛИ**

Бу йигитни яхши танирдим. Янги ишга келганда мулоким, беозор ва камтар эди. Кеча-кундуз меҳнат қиларди. Кейинчалик ўзгара бошлади. Кийинишлари бошқача бўлиб қолди. Тағдида машина пайдо бўлди. Саломни ҳам қамайдди. Биз катталарни назарисанд қилмайдиган бўлиб қолди. Кейин билсам тadbиркорлик билан шуғулланиб, дўкон очган экан.

Бир кун ишга келсам, қоридордан шовқин-сурон эшитилди. Бир ходимдан:

— Нима гап? — деб сўрадим.

— Фалончи манман тумшугидан иланибди, — деди у.

— Аввал наша билан қўлга тушган экан, бугун эса бировнинг қизини йўлдан ургани учун хотини жанжал қилиб келибди.

Бошқа ходим хулоса қилди:

— Асли унинг паймонаси тўлиб қолган эди, паймонаси тўлганда шундай бўлади.

**Манманлик инсонга зарардор бот-бот, Узини наст оли чўқар яхши от. Кўрдингми, чумоли кўп қалтар эди, Улгиси келганда чиқарди қанот.**

Мақдул ҲАСАНИЙ.

\* Бу ерда мақлуб санъати бўлиб, «урин» сўзи ҳарфларининг ўринлари ўзгартрилса «шўри» сўзи ҳосил бўлади.

**2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ўн ёшга тулди. Ўтган давр мобайнида институт Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга, фуқароларнинг жисмоний ва маънавий саломатлигини сақлаш ва яхшилашга салмоқли улуш қўшди. Бизнинг институт ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Хамид Каримов билан суҳбатимиз институтнинг ўз фаолиятини қандай бошлаганлиги хусусида берилган саволга жавобдан бошланди.**

— Институтнинг ўз фаолиятини ўқув илмий комплексини яратиш, ўқув даргоҳиди 1 ва 2-тиббий клиника-ни барпо этиш билан бошланди, — деди Хамид Ёқубович. — Дастлаб институтнинг педагогик жамоаси тажрибали мутахассислар — гигиеначилар ва даволочилардан, сўнгра ёшлар — истеъдодли ва истиқболли, устозлар анъанасининг давомчиларидан иборат бўлди.

Анъаналар эса бўлгуси врачларни тайёрлашда жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган жиддий тарбия ва таълим, тиббий-биологик билимлар бўйича чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, жаҳон илмида қўлга киритилган муваффақиятларни ўрганиш ва хорижлик олимлар билан мунтазам алоқани йўлга қўйишдан иборат эди. Бу асосий қоидалар институт жамоасининг ўтган давр давомидаги фаолиятини белгилаб берди.

Айни ана шулар институтимизни қисқа вақт ичида республикамиз олий ўқув юртлири орасида биринчилар қаторидан ўрин олишига, олий таълимдаги ислохотларнинг тарғиботчиси, хорижлик олимларнинг ҳурмат-эҳтироми ва эътирофига, фаолиятимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилди.

Агар биринчи йилда икки факультетда институт бўйича 686 киши, жумладан 41 фан доктори, 287 фан номзоди ишлаган бўлса, бугунги кунга келиб тўрт факультетда 385 ходим, жумладан 110 нафар фан доктори ва 231 фан номзоди иш олиб бора-япти. Ўқув жараёни ва илмий ишланмаларнинг яхши натижалари тўғрисида институт халқаро даражага қўтарилди.

— Шу ўринда институтнинг халқаро алоқалари хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Институт ўзида АКШ, МДХ давлатлари ва Шарқий Европа шифохоналарига ҳамкорликда ишторқ этидиган 57 мутахассис камраб олганлиги билан ҳам мамлакатда биринчи саналади. Ушбу ҳамкорлик доирасида институт Иллинойс штати университетини (АКШ) билан Америка халқаро соғлиқни сақлаш уюшмаси (АХССУ) лойиҳаси асосида юксак даражадаги таълим ва соғлиқни сақлаш борасида мунтазам алоқа ўрнатди. Институтнинг 70 нафар мутахассиси Иллинойс университети тиббиёт-биология факультетини ва Тиббиёт марказида малака ошириб қайтди, 150 ходим эса АХССУ уюштирган семинарларда қатнашди. Институтнинг 150 ходими дунёнинг 15 давлатидаги тиббий ўқув юртлирида ва клиникаларида ўқиди, малака оширди ва тажрибаларни ўрганди.

АХССУнинг фаол қўмаги ёрдамида аёлларни соғломлаштириш маркази очилди ва у барча ёшдаги аёлларга хизмат қилмоқда.

Институтимиз минтақавий таълим ҳамкорлиги (REAR) дастурига асосан Лондон университетининг Империял коллежини (Буюк Британия) билан ҳамкорликда «Ню-хау» маркетинг бўйича ва менежерлар тайёрлаш учун соғлиқни сақлашда моддий-техника базани бошқариш имконини берадиган биринчи ўқув дастурини яратиш грантини олишга эришди. Грант ихтисослашган тиббий ҳамширалар тайёрлашни жорий қилди. Институтимизнинг тўрт нафар ёш мутахассиси Лондон университетини менежер-маркетинг курсини ўтаб қайтди. Бугунги кунда бу ходимлар хориждан олиб қайтган билимларини 6-7 курс талабаларига, клиник ординаторларга, врачларга, олий ихтисослашган тиббий ҳамшираларга беришмоқда.

— Энди ўқув жараёнида хусусида ҳам фикр-лашасак...

— Жуда яхши. Маълумки, 1995 йилдан 1- ва 2-курсларнинг модуль ва системали ўрганиш асосида ўқув ишларининг интеграцияли шаклини тузиш бошланди ва давом эттирилмоқда. Факультетлар бўйича компьютер методларини ўрганиш ва фаолият самардорлигини текшириш, ўргатуви-назорат дастур маълумотлар тизimini яратиш, репетитор, назорат ва бошқаларни йўлга қўйиш, тиббий-биологик, гигиеник, клиник ва ихтисосий фанларни ўқитишда янги инновацион технологияни қўллаш схемасини тузиш каби қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 1-2 ва 4-6-босқич талабалари ўқув дастурига модуль ва система-орган

асосларини ўрганиш интеграцияси киритилди.

Олимлар ўртасида тадқиқот ишларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш институт раҳбариятининг доимий диққат-эътиборидир. Институтнинг Илмий тадқиқот лаборатория маркази (ЦНИЛ)да замонавий тадқиқотлар яратиш, институт илмий ишларини ва ёшларнинг ўқишини энг аниқ ва информатик усуллар асосида ўзлаштириш йўлга қўйилган. Тажрибали раҳбарлар назорати остида талабаларнинг илмий ишлари яқса режалар бўйича текширилади. Шунингдек, бу ерда истеъдодли ёшларни диагностика модуль асосида танлаш усули ишлаб чиқилган.

— Институт халқаро анжуманларда ҳам иштирок этмоқдами?

— Иштирок этганда қандоқ. Институтимиз жамоаси нуфузли халқаро анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқда. Профессорлар Ш. Каримов, Р. Усмонов, Ш. Назаров, М. Абдуллаҳўжаева, С. Қосимова, Р. Каценович, Д. Рустамов, Н. Салохова Австрия, Германия, Италия, Англия, Япония, Туркия ва бошқа мамлакатларда бўлиб ўтган форумларда Ўзбекистон вакили сифатида қатнашди. Институтимиз олимларининг хизматлари республика ва бошқа мамлакатларнинг академияларида эътироф этилмоқда. Институтимизда академиклар Ш. Каримов, М. Абдуллаҳўжаева, Н. Муртоҳўжаев, Р. Каценович, П. Искандаров, профессорлар Ш. Каримов, Х. Каримов, Ш. Назаров, Н. Салохова, О. Назаров, Т. Печеницино, А. Вайсов Нью-Йорк Фанлар академиясининг аъзолари сифатида танланди.

Давлатимиз институтининг етакчи олимлари меҳнатини юксак тақдирлади. Профессорлар Ш. Хамроев, Ф. Тарибу Ўзбекистон Республикаси фан арбоби фахрий унвони билан, профессор В. Аваков III даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан, профессор М. Мирзамухамедов, доцент Л. Глинянова I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан, профессор О. Назаров «Меҳнат шuhrати» ордени билан, ассистент Ф. Орипхўжаева «Шухрат» медаллари билан тақдирландилар. Америка Биография институтини профессорлар Э. Қосимов ва Ш. Зокирхўжаевни «2000 йил кишиси» олтин медаллари билан тақдирлади.

— Институт олимларининг илмий ишлари ҳақида, умуман таълим тизими борасидаги саяё-харакатлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Институт олимларининг бир қатор мақолалари хориждаги обрўли нашрларда чоп этилди. Жумладан, институтимиз олимларининг меҳнатлари натижаси ўлароқ 94 монография, 230 услубий тавсиянома, чет элларда 324, республикамизда 2973 ва МДХда 919 мақола нашр этилди. «Расмий ахборотнома» бюллетенида 134 та патент чоп этилди, 291 ихтиролик ишлари яратилди.

Шуни айтиш керакки, ўтган давр ичида институтимизнинг моддий-техника базаси ҳам сифат жиҳатдан яхшиланди. 1991 йилда ўқув ишлари 28 донга ТСО ва бор-йўғи 24 донга компьютер билан бошланган бўлса, хозирги кунда бир қанча компьютер синфлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг умумий сонини 335 тага етди. Айни вақтда амалий дарслар ва маърузалар кабелли телевидение асосида видеоаппаратуралар орқали олиб боришмоқда. Ўқув жараёнида 335 компьютер, 40 видеомагнитофон, 147 ўқув кино, 420 видеофильмдан фойдаланилмоқда.

Институтимизда олимларнинг сара асарларини чоп этиш мақсадида муҳарририят-нашриёт очилди ва у энг замонавий компьютер ва полиграфик жиҳозлар билан таъминланди.

1996 йилдан буён ҳар чоракда илмий-амалий «Патология» журнали чиқарилмоқда. Бир сўз билан айтганда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти мамлакатимизнинг кўзга кўринган етакчи олий ўқув даргоҳларидан бирига айланди.

— БУГУН

пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида бўлидиган тадбир ҳам институтнинг ўтган давр мобайнида эришган ютуқларига бағишланади. Бу тадбирга таширф буорадиган меҳмонлар эл соғлиқини ўйлаб, унинг жисмоний ва маънавий саломатлиги йўлида, соғлиқни сақлаш Давлат дастурини амалга ошириш борасида институт жамоаси олиб бораётган ибратли ишлардан хабардор бўладилар.

Сухбатдош Солих ЁҚУБОВ.

**Хабарингиз борми?**

**УЧ ЭГИЗАК МУБОРАК!**

Биз ўзбеклар болажон халқимиз. Оилада фарзанднинг дунёга келиши катта шодибна, қувончли воқеа, албатта.

Мана янги аср, Янги йил арафасида шаҳримизнинг Ҳамза тумани, Бойқўрган кўчаси, 11-уй, 3-хонадонда истиқомат қилувчи Собир Турмутов ва Мукаррам Худойбердиевалар хонадонидида қувончли воқеа, шодибна юз берди. Уларнинг оиласида бирварақайига уч эгизак дунёга келди. Бахтиёр ота-оналарнинг қувончлари чекизи. «Тошқиншоқмаш» акциядорлик жамиятининг ишчилари бўлиш Ш. Турмутов ва М. Худойбердиеваларнинг биргина Сардор исмли ўғиллари бор эди. Энди уларнинг оилалари шириндан-ширин фарзандлари — Ҳасан-Ҳусан, Зўхралар билан тўлди. Бу бахтиёр оилага Ҳамза тумани ҳокимлиги уч хонали ўй тўхфа қилди.

Юртбошимизнинг янги — 2001 йилни Оналар ва болалар йили деб эълон қилганларида хикमत катта. Бунга мана шундай бахтли оилалар бахтиёр оналар, баркамол фарзандлар мисолида қуришимиз мумкин

Аслида халқ севган санъаткорни таърифлашнинг зарурати йўқ бўлса керак. Чунки санъаткор аллақачон ўзининг ашуласи, рақси, ё ижро этган роллари билан ишқибозлар кўнглига йўл топиб унинг қалбига абдий муҳрлашиб қолади. Шундай бўлсада севимли санъаткоримизнинг таваллуд топанга 85 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон халқ артисти Турсунхон Жаъфарова ва ҳақида ўз биланларимни хотирлагим келди. Чиндан ҳам бу актриса Халимаҳоним, Тамараҳоним, Муқарраҳоним, Сораҳоним каби ўзининг нафис овози, театр ва кино экранларда яратган ажойиб образлари билан халқимиз орасида машҳур.

1940 йилларда Турсунхон Жаъфарованинг «Тароқларнинг» номи билан чиққан пластинкаси Бобораҳим Мирзаевнинг «Сеғоҳ», Лутфихоним Саримсоқованинг «Кулинг» ва Тамараҳонимнинг «Рўмолим» ашуллари ёзилган пластинкалари каби шинавандлар ўртасида катта доврў қозонган эди.

Еш Турсунхон ўрта мактабни битириши биланок мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Тасодуфий қарангки, у худди уша йиллари Тошкент педагогика институтини битириб, Наманганга ўқитувчиликка борган ва кейинчалик Наманган театрида режиссёрлик қилган Раъзоқ Хамроев назарига тушади. Машҳур артист ва режиссёр Турсунхон Жаъфаровани ўзи ишлаб турган театрга ишга тақлиф этади...

Дастлабки қадамлариданок у наманганлик шинавандлар эътиборини қозонади. Истеъдодли санъаткор театрининг машҳур артистлари ёрдамида ранг-баранг ролларни ижро этади. Кейинчалик унга «Тоҳир ва Зухра» пьесасидаги бош роль Зухра образини ишониб топширадилар. Мана шу роли билан у

Тўхтасин Жалиловдек машҳур бастакорнинг назарига тушади ва Муқимий театрига ишга тақлиф этилади. Наманган театрининг жамоаси ва у ердаги мусиқа раҳбари Соли Отахонов шундай ажойиб истеъдод соҳиби билан хайрлашишни истамасаларда Турсунхоннинг республика театрига келишига уни келажакдаги истиқболни ўйлаб розилик билдирадидилар...

Турсунхон Жаъфарова санъатдаги жуда кўп йиллик фаолиятида дунё классик ва

машаққатлари ниҳоятда юқори таърифланган.

Турсунхон Жаъфарова ўта юморли, кўлиги соҳналарни ҳам қойилмақом ижро эта оладиган актриса бўлган. Айниқса, у кишининг Хамид Гулом асари «Тошболта ошиқ»даги Рисолат образини тайёрлашида пьесадаги баъзи ортинча саҳналарни олиб ташлашни ва янги-янги лавҳаларни қўшилишида яқиндан ёрдам берганини асар авторининг ўзи эътироф этган. Актриса тақлифи билан Рисолат

Айтматов қаламига мансуб «Момо ер» асарида яқол кўза ташланади. Актриса спектаклдаги Тўлғаной ролинни зўр истеъдод билан бажарган эди. Айниқса, актрининг Момо ерга илтижо қилиб айтган сўзлари шу қадар жонли чиққан эдики, ушанда пьеса авторининг ўзи машҳур актрисамизнинг кўлини сиқиб: «Ўзбек Тўлғанойига раҳмат», деб қўйган экан.

Истеъдодли актриса 65 йил ўзбек саҳнасида турли боз ролларни ижро этди. Ўзининг хуш овози билан катта концертларда доврў қозонди. У ўзбек киносида ҳам жуда ажойиб ролларни бажарди. «Ер-ёр», «Ун уч терак кўчаси», «Бувимни қайтаринг», «Оқ ёлди от», «Шошмақом» фильмларидаги у ижро этган роллар ҳамон экранларимизнинг гултожи ҳисобланади.

Ардоқли ёзувчи Саид Аҳмадининг «Келинлар кўзғолони» пьесаси экранлаштирилганидан бўлдию Фармонбиби образига яқин йиғирмага яқин актриса синалиб кўрилди ва ниҳоят Турсунхон Жаъфаровага келиб тўхтама келинди. Бунинг боиси албатта актрисанинг экранда ниҳоятда ёқимли кўриниши, хуш овозлиги ва ўзбек аёлига маъқул бўлган эди. Турсунхон Жаъфарова бу ролни экранда киёмига етказиб бажара олди.

Турсунхон Жаъфарова умрини саҳнаси тасаввур эта олмас эди. Таъриф қилишларига қараганда, шунча йиллик илҳодий фаолиятида бирор марта у қатнашган спектакль актриса келолмай қолдирилмаган экан. Хатто, у охириги йилларда бир неча бор саҳнада юрак хуруж қилганда ҳам саҳнани тарк этмаган.

Бугун севимли актрисамиз орамизда йўқ. Лекин у яратган образлар Фармонбиби, Офтобхон, Нурхон, Зухра ва ҳоказо ўзбек аёли образлари бизнинг кўз олдимизда ҳамон гавдаланиб туради.

**Зикр МУҲАММАДЖОНОВ,**  
Ўзбекистон халқ артисти.

**Хотира уйғонса гўзалдир...**

**ХАЛҚ СЕВГАН САЊЪАТКОР**

рус адабиёти пьесаларидаги катта образларни яратиш имкониятига эга бўлган артисткадир. «Макр ва муҳаббат»даги Луиза, «Маликаи Турондот»даги бош роль Турондот образи театршуносларнинг таърифига тушган. Артистка мусиқали асарларда ҳам драма ва комедияларда ҳам ё фожевий асарларда ҳам ўз маҳоратини синаб кўрди. Масалан, «Нурхон» спектаклини олайлик. Унда бош роль ижросини Турсунхон Жаъфарова бу образнинг тарихий аҳамиятига асосланиб, ўзбек кизининг санъатга бўлган муҳаббатини жуда тўғри талқин эта олди.

Драматург Комил Яшин Муқимий театри учун жуда кўп асарлар ёзиб берган ва бу театрининг тароққитига катта хисса қўшган. Адибнинг бу театр жамоасида «Гулсара», «Нурхон», «Офтобхон» каби асарларининг саҳналаштирилиши санъаткорларнинг ранго ранг образлар яратишига имкон туғдирган эди. «Офтобхон» спектаклининг саҳналаштирилишида ўзбек аёли ва унинг ижросини Турсунхон Жаъфарованинг уруш йилларида чеккан

образни ҳар қанча шўх бўлишига қарамадан, у ўзбек аёлларига хос бўлган ниҳоятда ифратли, дидли ва вафодор хисса бўлиши учун асар саҳнага чиққунча жуда кўп изланишларда бўлган. Албатта спектакль муваффақиятида Тошболта ролин ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаевнинг ҳам хиссаси катта. У Турсунхон Жаъфарова билан биргаликда пьесанинг юксак даражада бўлишига муносиб улуш қўшган. Залда ўтирган томошбинларнинг бу икки атоқли актрелар бир-бирлари билан учрашув саҳналарида юзларига табассум югуришининг боиси ҳам шундан бўлса керак. Тошболта ошиқ билан Рисолат париларнинг

*Куралай кўз, куралай,*  
*Туйнушдан мўралай,*  
*Сен ало айтаганида,*  
*Оҳангга чўрагай*  
деган ашуласи халқ озгига тушиб кетиши ҳам бу икки актреларнинг маҳоратидан далолат бериб туради.

Турсунхон Жаъфарованинг зўр драматик қобилияти машҳур ёзувчи Чингиз

Индонезияни бекорга оролар дийри деб аташмаган. Чунки у 17 минг 500 дан ортиқ кичик ва катта оролардан ташкил толган бўлиб, бугунги кунда 200 миллиондан кўпроқ аҳоли яшайди. Бу юрт вакиллари 500 дан зиёд тил ва шеваларда гаплашсада, асосий яхлитлик сифатида индонезия тилида сўзлашадилар. Аммо шунга қарамай уларнинг ўзларига хос урф-одатлари, кийимлари ва миллий таомлари бор. Яна шуниси таажубланарлики, гоҳида бир оролда мавжуд урф-одатлар иккинчи оролда яшаётган аҳолида такрорланмайди.

**Ҳамкорлик қирралари**

**ОРОЛАР МАМЛАКАТИ ТАОМЛАРИ**

Бу қунчиқар мамлакатини халқининг миллий урф-одатлари, аъваллари бизга жуда яқин. Шунинг учун ҳам ўзро маънавий ва маданий алоқаларимиз тез ривожланиб бормоқда. Айниқса, бу боракда мамлакатимиздаги Индонезия элчихонаси томонидан ўтказилган кўпгина тадбирлар, маросимлар катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Яқинда элчихона шаҳримиздаги «Буми Тошкент интернэшнл» меҳмонхонасида «Индонезия таомлари» фестивалини ўтказди.

Индонезия халқини ўзбек халқига, ўзбек халқини ўзига хос маданий мероси, миллий урф-одатларини эса Индонезия халқига таништириш бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир, — деди Индонезиянинг Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор элчиси жаноб Рони Хидоят Гастина. — Бу турли ороларда яшайдиган одамларнинг ҳам ўзига хос маданияти ва ўзига яраша яшаш тарзи бор. Бизнинг мақсадимиз эса ана шу ўзига хос маданиятни халқимизга таништириш. Мазкур фестивалда шохиди бўлганингиздек, Индонезия халқининг энг сарфан турдаги таомини халқимизга татиб, унинг маъноси тайёрланиши ҳақида ҳам маълумотга эга бўлдилар. Албатта бизнинг айрим таомларимиз қайси бир жиҳатлардан ўзбек миллий таомларига ўхшаб кетади. Уйлашганимиз ушбу фестиваль ўзбекистонликларда янги таассурот қолдирди.

— Фестиваль мен кутгандан ҳам зиёда ўтказилди. Айниқса, унда ҳеч қурмаган таомларимизни кўриб қувондим, — деди иштирокчилардан бири Нилуфар Фафурова. — Бу ерда турли таомларни татиб кўриш билан бирга шу юртининг миллий куй-қўшиқларини мириқиб эшитишга ҳам муносиб бўлди. Бундай тадбирлар икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, деб уйлайман.

Очил ҲАЗРАТОВ.

**Бу ажиб дунё**

**КЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ**

Айрим инсонлар чапқай бўлади. Ишлаётганда кўпроқ чап қўлини ишлатади. Кўп инсонларнинг эса ўнг тарафини хоким саналади. Кўзимизнинг кўриш қобилияти ҳам чапқай бўлиши мумкин. Қайси бир кўзингиз яхшироқ кўришини биласизми? Ундай бўлса, кўлингизда қалам (ёки шунга ўхшаш предмет) олиб девордаги календарь ёки соатга мўлжаллаб ушланг. Энди кўзингиздан бирини бекитинг. Чап ёки ўнг кўзингизни бекитганингизда қаламнинг соатдан бироз ёнга сурилганини кўрасиз. Агар қайси кўзингиз билан кўраганингизда қалам жойидан қимирламаса кўриш қобилияти кучли ўша кўзингиздир.

**ҚАЙСИ РАНГ СИЗГА ЁҚАДИ?**

Ер юзиде турли рангдаги инсонлар бор. Кимлар европаллик каби қол-қора. Сизни қизиқтириши табиий, инсонлар нега хар хил рангда? Дунёда хар бир яратилган нарсанинг ҳикмати бор. Инсонларнинг турли рангда бўлиши ҳам ўзига яраша сир мавжуд. Тўқ (қора) ранг инсонни исқидан ва ортинча кўш нуридан сақлайди. Шунинг учунми, экваторга яқин жойлашган инсонларнинг кўнчилиги қора рангда, негрлар. Европа каби экватордан узок жойда яшаётганлар кўш нури кам қўралиги сабабли. Д витаминини етарли миқдорда олишлари учун оқ қилиб яратилган. Кўнчилик қора инсонлар оқ танли бўлишни истайди. Покистонда хатто оқ танли қизни тополмасдан уйланмай юрган йигитлар ҳам учрайди. Нима бўлганда ҳам бу дунё бир имтиҳон: кимдир оқ, кимдир қора қилиб яратилган.

**ЧЕКИШНИНГ ИЛЛАТИ**

Нидерландия илмий-тадқиқот институти олимлари чекучи аёлларнинг фарзандлари умуман чекмайдиқлариники қараганда икки маротаба кўпроқ йиғлашини аниқлади. Улар 3345 нафар бир ойликдан то олти ойликгача бўлган чақалоқлар ҳақида маълумот тўлдирди. Тадқиқотлардан маълум бўлдики, қашанда аёллар гўдақларининг 4,7 фоизи чекмайдиқган аёлларнинг гўдағига нисбатан бир кунда икки соатдан кўпроқ йиғлар экан. Боланинг йиғилушига чекучи она томонидан ўтган руҳий омиллар сабаб қилиб қўрсатилмоқда.

**САБР КОСАСИ ТЎЛГАЧ**

Американинг Онатиро қўли яқиндаги Осуна шаҳарчасида яшовчи Энда Кравен аҳрашиш учун сулда ариза берди. Унинг арзномасини диққат билан ўрганиб чиққан суд беканинг талабини инобатга олди.

«Нью-Йорк тайм» газетасининг ёзишича, аҳралиш сабаби Жон Кравеннинг сув ўтказмас матолардан сайёхлик ва баллиқчилик учун маъмурият кийимлар тайёрлаш билан шуғулланган.

Ўз «санъат асарларини» биринчи синовичи сифатида эса, у ҳаммаи қирқ йиллик оилавий хайратли мубоиятида хотинидан фойдаланиб келган. Жон сув ўтказмайдиган тунги қўйлак яратгандан сўнг, Эднанинг сабр косаси тўлган. У хотинини туни билан ёмғир остида ушлаб ўзи яратган икхитрони синовдан ўтказишга мажбур қилган. Фақат шундан сўнггина, Эдна ариза билан мурожаат қилган.

**«ОЖИЗ» ТАБИЛАР**

1874 йилнинг июль ойида фойтунда кетатган Камбоджа қироли баногоҳ йиқилиб тушди. Ҳулисиз ётган қиролини ердан қўтариб олишга аёнлардан ҳеч бири ботинолмади. Лекин шу воқеанинг устига келиб қолган европаллик бир ажабий қобиргаси синган ҳудудорни ердан қўтариб, аяқлаб ўтказди-да, саройга элтди. Саройда табиблар ҳам унга яқинлашишга юргаги дов бермайдди. Чунки ҳудудорнинг «муборак» танасига бирон темир парчаси ёки буюм теккизиш ман этилган эди.

**ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАНИШ — ҚЎЛИМИЗДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 ноябрдаги Фармойишига мувофиқ республикамизда Ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилди.

Ички ишлар бош бошқармаси Ёнгиндан сақлаш бошқармасининг маълумотларига назар ташлар эканмиш, шу йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрида 1607 та ёнгин содир бўлиб, уларда 28 киши ҳалок бўлиб, 40 киши турли даражадаги куйиш тан жароҳати олганлигининг гувоҳи бўлишимиз. Содир бўлган ёнгинларни тахлил қилар эканмиш, хар бир ёнгин ўз-ўзидан эмас, балки инсонларнинг айби билан юзага келатганини кўрамиз. Ёнгинларнинг асосий сабаблари оловга эҳтиёсизлик билан муносабатда бўлиш, маст ҳолда сигарета чекиш, носоз электр асбоблардан фойдаланиш, ёш болаларнинг олов билан ўйнашлари, чинқинди ва ҳазонларни ёқишлар, газ ва электр асбобларини ишлатганда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиқидир.

7 ноябрь кун Ақмал Икромов туманидаги 24-дахда жойлашган гаражда ёнгин содир бўлиб, унинг оқибатида 6 квадрат метр майдонда автоулов эҳтиёт қисмлари ва «Москвич-412»нинг икки қопламаси ва ўриндиқлари, гилдираклари ёнган. Ёнгин аянчлиси, ёнгинни ўчириш вақтида Виктор Криповнинг куйган жасади топилган. Ёнгиннинг келиб чиқиш сабаби аниқланмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгиндан сақлаш бошқармасининг Куч ва воситаларни бошқариш марказига 12 ноябрь кун соат 1 дан 05 дақиқа ўтганда Ақмал Икромов тумани, Жамшид кўчаси, 34-уйда ёнгин содир бўлганлиги ҳақида хабар келиб тушди.

Жанговар ўт ўчириш бўлинмалари қўрсатилган манзилга орадан беш дақиқа ўтганда етиб келди. Соат 2 дан 23 дақиқа ўтганда ёнгин ўчирилди. Ёнгин оқибатида 34-уйдаги болаҳона ва охиҳонанинг 100 квадрат метр юзали шифт қопламалари, тоқ қўрилмалари, уй жиҳозлари ёнган. Ёнгинни ўчириш жараёнида болаҳонадан ўй эгасининг ўли 90-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Азиз Иноғомовнинг куйган жасади топилган. Суриштирув ишлари жараёнида аниқландики, ўй эгаси Талъат Иноғомов ёнгинни

сезиб қолади ва болаҳонада компьютерда ишлаб ухлаб қолган ўли Азизни уйғотиб ташқарига олиб чиқади. Азиз Иноғомов ёнгинни ўчириш учун челақда сув олиб болаҳонага чиқиб қайтиб тушмайди. Ёнгин сабаби ва етказилган моддий зарар аниқланмоқда.

Содир бўлган ёнгинларнинг кўнчилиги фуқароларнинг турар жойларида, давлат тасарруфидеги кўп қаватли уйларида ва бошқа жойларда юз бериб, улар кўнчилиги ёш болаларнинг олов билан ўйнаши, оловга нисбатан эҳтиёсизлик, носоз электр ускуналаридан фойдаланиш, газ ускуналар ва печларни ишлатишда эҳтиёсизликка йўл қўйилганилиги оқибатида бўлган.

Об-ҳавонинг совуши билан фуқароларимиз хонадонларини иссиқ тутиш мақсадида турли хил иситиш мосламаларидан фойдалана бошладилар. Ёнгинларнинг ва турли хил бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида куйидаги хавфсизлик қоидаларига риоя қилишини эътибордан қолдириш сизга ҳодимларнинг сўз ҳолда ишлатишни мунтазам равишда назорат қилиб туринг, тунда уларни ўчириб қўйишни унутманг; ясама ва носоз бўлган иситиш мосламаларидан асло фойдаланманг; газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланманг; газ мосламаларини ўрнатишни фақат мутахассисларга ишониб топширинг; газ мосламаларига резина шланглар улаган ҳолда бошқа мақсадларда фойдаланманг; агарда бошқа газ ёки иситиш мосламаларини ўрнатмоқчи бўлсангиз газ ҳодимларидан рухсат олиб, мутахассислар орқали амалга оширинг; электр симларини унинг ёнғичи қисмларидан маъмурият қисмларидан орқали ўтказилишини таъминланг; уй чордоқлари, ертўзаларда жойлашган иситиш печ ва мурилари тева-рак атрофларини тез алағга олиши мумкин бўлган жиҳозлар, сомон ва хашак каби маъмуриятдан тозалаб қўйишни унутманг.

**Баҳром ЮНУСОВ,**  
Ақмал Икромов тумани 8-Харбийлаштирилган ёнгиндан сақлаш бирикмаси бошлиғи, ички хизмат подполковниги.



Қулайлик

**ЯНГИ САВДО МАРКАЗИ**

**Бунёдкорлар Янги йил арафасида ҳамшаҳарларимизга яна бир тухфа ҳада этишди. Улар Корасарой ва Абдураҳмонов кўчалари кесишган жойда қад кўтарган янги савдо марказини фойдаланишга топширишди.**

Кунги кеча «Корасарой-Бахт» фирмасига қарашли ушбу замонавий супермаркет аҳолига ўз эшикларини очди. Асосан озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи марказнинг ишга туширилишини харидорлар мамнунлиги билан қутиб олишди.

Янги савдо маркази 8 бўлимдан ташкил толган бўлиб, уларнинг хар бирда ўз қабсининг усталари бўлган сотувчилар миқозларга хизмат кўрсатишмоқда. Марказнинг яна бир қулайлиги шундаки савдога чиқариладиган кўпгина маҳсулотлар шу ернинг ўзида мавжуд бўлган цехларда тайёрланади. Масалан, гўштдан тайёрланган ёки қандолат маҳсулотлари шулар жумласидандир.

— Савдо марказини янада кенгайтириш режамиз бор, — дейди фирма раҳбари Шавкат Жалилов. — Ҳозир қурувчилар манжий хизмат уйини бунда этишмоқда. Янги қурилажак маъмурад аёллар ва эркаклар саргароҳхонаси, дорихона, кийимларни кимёвий усулда тозалаш хоналари ўрин олади.

Супермаркетга ташриф буюриб турли маҳсулотлар харид қилаётган миҳозларни сўхбатга тортидик.

— Янги марказнинг очилиши айниқса биз болали аёллар ва кексалар учун жуда қулай бўлди, — дейди бизга қўн болали она Мухтабар Ҳакимова. — Олдин гўшт ва бошқа маҳсулотлар харид қилиш учун «Чорсу» бозорига боришимизга тўғри келарди. Ҳозир истаган барча маҳсулотларни шу ернинг ўзидан харид қилиш имкониятига эга бўлдик.

— Бундай йирик савдо нуқтасини бизнинг ҳудудимизда очилишини беҳад хурсандимиз, — дея ўз миннатдорчилигини баён этди харидор Маҳкам Комилов. — Бу албатта ҳукумати-мизнинг аҳоли узоғини яқин қилиш ва унга намунали савдо хизмати кўрсатиш йўлида қилаётган гамхўрлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

**Маҳмуд ОРИПОВ,**  
СУРАТЛАРДА: янги супермаркетнинг умумий кўриниши ва савдо пайти акс этган.

Ҳолмат Мирзакаримов олган суратлар.

**Обуна-2001**

**«ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ» ЖУРНАЛИГА ЁЗИЛИШНИ УНУТМАНГ**

Маълумки, 1996 йилда Фавқулодда вазиятлар вазирилиги ташкил этилиб, унинг ҳодимлари олдида асосий вазифа сифатида республикамиз ҳудудидега содир бўлиши мумкин бўлган турли таъсирларга фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлишини баҳоратлаш ва оқибатларини бартараф этиш белгиланган эди.

чилар, талабалар, мактаб ўқувчилари, қолаверса кенг халқ оммасининг танишишига имконият йўқ эди. Эндиликда республика Фавқулодда вазиятлар вазирилиги томонидан «Фуқаро муҳофазаси» журнали чоп этилиши муносабати билан бу нарсга бартараф этилди.

Эндигина чоп этила бошлаган журналда айтиб ўтилган табиий ва техноген таъсирларга фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотлардан ташқари бир қатор қизиқарли мақолалар, хисоботлар, фойдали маслаҳатлар, бошқотирмалар, барча маълумотларни журналда босилаётган мақолалардан билиб олиш мумкин. Шунинг учун аҳоли ўртасида фуқаро муҳофазаси бўйича тайёргарликни олиб боришда, тарбиёт-ташвиқот ишларини жонлантиришда журналда бериб бориладиган материаллар муҳим аҳамият касб этади. Демак, ҳурматли муштарилар, журнални доимий равишда ўқиб борсангиз ўзингиз ва оила аъзоларингизнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида қимматли маслаҳатларга эга бўласиз.

Шуни ҳам айтиш кераки, агарда олдин биз юқорида айтиб ўтган ҳолатлар — фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги илмий янгиликлар билан фақат шу соҳада иш олиб бораётган мутахассислар танишишларига имконият бўлган бўлса, ўқитувчи ва тарбия-

**«Фуқаро муҳофазаси» журналига обуна бўлинг.**  
Нашр кўрсаткичлари:  
Яқна обуначилар учун — индекс — 1066, нархи — 250 сўм.  
Ташкилотлар учун — индекс — 1069, нархи — 1000 сўм.

«Фуқаро муҳофазаси» журналига обуна бўлинг.  
Нашр кўрсаткичлари:  
Яқна обуначилар учун — индекс — 1066, нархи — 250 сўм.  
Ташкилотлар учун — индекс — 1069, нархи — 1000 сўм.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39.  
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 209  
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулда босилади.  
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.  
Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.